


ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022



2022
IYUN
№41



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.



+998 97 420 88 81



+998 94 404 00 00



www.tadqiqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
4-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-4**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-4**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 41-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 июнь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 11 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиши ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишлиланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илгор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохода Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги хузуридаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти)

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдор.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

**СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА
ТУТГАН ЎРНИ**

1. Чинцўлатов Диёрбек Бахтиёр ўғли	
МАМЛАКАТИМИЗДА ХАЛҚПАРВАР ВА ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.....	7
2. Uralov Baxriddin Uralovich	
INSON KAPITALINI RIVOJLANTIRISH MAMLKATNI IJTIMOIY-IQTISODIY RIVOJLA- NISHI ASOSI SIFATIDA.....	9



СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ХАЛҚПАРVAR ВА ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Чинпўлатов Диёрбек Бахтиёр ўғли

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик

палатаси хузуридаги “Ёшлар парламенти” раиси ўринбосари

+998942162626

Chinpulatov@dba.ru

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада Тараққиёт стратегияси асосида Ўзбекистонда халқпарвар ва ижтимоий давлат барпо этишнинг айрим масалалари, хусусан инсон қадри ва эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш жиҳатлари илмий-амалий нуқтаи назардан таҳлил қилинган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: халқпарвар давлат, ижтимоий давлат, инсон қадри, фуқаролик жамияти, Ҳаракатлар стратегияси, Тараққиёт стратегияси.

Маълумки, сўнгги беш йилда мамлакатимизда 2017 йил қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси доирасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Мазкур давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.

Ислоҳотларнинг асосий натижаси халқ фаровонлигига қаратилди. Айни шу мақсадда инсон хуқукларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиклигини кучайтириш, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, камбағалликни қисқартириш, хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш каби инсон ва жамият манфаатларига хизмат қилувчи соҳалар бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Мазкур амалиётни давом эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармон имзоланди. Ҳужжат билан 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тасдиқланди. Тараққиёт стратегияси жами етти йўналишдан иборат бўлди:

- инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;
- мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;
- миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;
- адолатли ижтимоий сиёsat юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;
- маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чикиш;
- миллий манфаатлардан келиб чиқсан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш;
- мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, pragmatik ва фаол ташки сиёsat олиб бориш [1].

Тараққиёт стратегияси Ҳаракатлар стратегиясининг мантикий давоми бўлди. Шу билан бирга уни янада бойитди. Биринчидан, Тараққиёт стратегияси ҳажм жиҳатдан катталашди. Иккинчидан, стратегия янада конкретлашди ва натижага эришиш учун 100 та аниқ мақсад қўйилди.

Тараққиёт стратегиясининг биринчи йўналиши “инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш” деб



номланиб, у бутун стратегиянинг таъбир жоиз бўлса мамлакатимизнинг бош устувор вазифасини назарда тутади. Боиси инсонга, халқقا йўналтирилган ижтимоий давлат барпо этиш, фаровон турмуш яратиш аксарият давлат ва жамиятларнинг бош мақсади ҳисобланади. Таракқиёт стратегиясининг қолган йўналишлари айнан биринчи йўналишнинг юзага чиқишига кўмаклашади.

Бунда биринчидан, инсон қадрини юксалтириш, иккинчидан, эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш кўзланмоқда. Инсон қадрини юксалтиришга унинг бирламчи, ижимоий эҳтиёжларини қондирилиши орқали эришилади. Хинд файласуфлари инсон қадрининг дастлабки ўлчови унинг қорнини тўқлиги билан баҳоланишини таъкидлашади. Йўналишнинг иккинчи қисмида эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш назарда тутилмоқда. Фуқаролик жамияти тушунчасига жуда кўплаб таърифлар берилган бўлиб, уларнинг орасида немис олими Георг Вильгельм Фридрих Гегель таърифи тушунчанинг моҳиятини тўлиқ акс эттиради, дейиш мумкин. Унинг фикрича, фуқаролик жамияти инсоннинг ўз қобилиятини тўлиқ рўёбга чиқаришга имконият яратиб берувчи жамият ҳисобланади [2].

Юқоридаги фикрлар Иброҳим Харолд Маслоу “Маслоунинг эҳтиёжлар иерархияси” ёки “Маслоу пирамидаси” назариясига ҳам мос тушади. Маслоунинг эҳтиёжлар иерархияси бешта асосий тоифага бўлинади. Пирамида асосида физиологик эҳтиёжлар мавжуд. Бу инсоннинг омон қолиши учун энг муҳим эҳтиёжлар бўлиб, очлик ва чанқоқни қондириш каби ҳаётий эҳтиёжлар ушбу тоифага киради. Ўзининг физиологик эҳтиёжини қондирмаган одам учун бошқа эҳтиёжлар муҳим эмас. Энг юқори чўққида ўзини намаён этиш эҳтиёжи мавжуд. Бунда инсон ўз билим ва қобилияtlарини намоён қила олиши лозим [3].

Демак, инсон қадри ва эркин фуқаролик жамиятининг асослари хинд файласуфлари таъкидлаганидек, инсоннинг бирламчи эҳтиёжларидан бошланади. Пировардида эса Гегель таъкидлагидек, инсоннинг ўз қобилиятини тўлиқ рўёбга чиқаришга имконият яратилади.

Конституциямизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш кўзланган эди [4]. Таракқиёт стратегиясида мазкур масала янада такомиллашди ҳамда халқпарвар давлат барпо этиш мақсади кўзда тутилди. Мазкур тушунчалар аслида мазмунан бир маънени англатади.

Халқпарвар давлат барпо этиш ўз навбатида ижтимоий давлат қуришни ҳам назарда тутади. Ижтимоий давлат нафақат ижтимоий соҳага устуворлик берилишини, балки фуқароларнинг тенглиги, уларнинг турли табакаларга ажralишига йўл қўймайдиган, умумфаровонлик таъминланиши назарда тутади. Айрим ривожланган Европа мамлакатларида давлатнинг ижтимоий мақоми Конституция даражасида мустаҳкамланган. Масалан, Германия Конституциясида унинг ижтимоий давлат эканлиги белгиланган [5].

Таъкидлаш жоизки, халқпарвар ва ижтимоий давлат боқимандаликни вужудга келтирмаслиги лозим. Фикримизча, ижтимоийлик имтиёз ва преференциялар беришни эмас, тенгликни назарда тувиши лозим. Боиси айрим имтиёзлар бир томондан, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлигининг бузилишига олиб келса, бошқа томондан коррупцияни ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Эндилика Таракқиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни самарали ижро этилиши, фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришда эса тенг ҳуқуқлиликка алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Шунда халқпарвар ва ижтимоий давлат барпо этишга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5841063>
2. G.W.F.Hegel, The Philosophy of Right / Translated by S.W.Dyde. Ontario,2001. Page.194
3. Пирамида потребностей Маслоу // <https://www.unisender.com/ru/support/about/glossary/piramida-maslou/>
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/20596>
5. Basic Law for the Federal Republic of Germany // https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_gg



**INSON KAPITALINI RIVOJLANTIRISH MAMLAKATNI IJTIMOIY-IQTISODIY
RIVOJLANISHI ASOSI SIFATIDA**

Uralov Baxriddin Uralovich
Jizzax davlat pedagogika
instituti o'qituvchisi
Telefon:+998933084488
bnndo@mail.ru

ANNOTATSIYA: Hozirgi kunda dunyo mamlakatlarida inson kapitaliga bo'lgan ehtiyoj yaqqol ko'zga tashlanmoqda. Mazkur maqolada mamlakatimizda inson kapitalini rivojlantirish va hamda uning ijtisoiy-siyosiy ahamiyati haqida so'z yuritiladi.

KALIT SO'ZLAR: inson kapitali, kapital qo'yilmalar, mehnat resurslari, iqtisodiyot, iqtisodliy rivojlanish.

Oxirga besh yillikda dunyoning rivojlangan mamalakatlari insoniyatning global iqtisodiy rivojlanishidagi yanada yuksak ko'rsatkichlarga erishishmoqda. Shular qatorida bu rivojlanishga Markaziy Osiyo davlatlarining iqtisodiyoti ham o'zining katta hissasini qo'shamoqda desak, hech mubolag'a qilmagan bo'lamiz. Bu mamlakatlар o'z hududlaridagi investitsion jozibadorlikni oshirib bormoqdalar. Xorijiy sarmoyadorlarni o'ziga jalb qilish orqali o'zlarining iqtisodiyotlarida va jahon siyosatida yaxshi natijalarga erishishmoqdalar.

Bundan 30 yil oldingi Markaziy Osiyo mamalakatlari bilan bugungi kundagi Markaziy Osiyo mamlakatlari orasida katta farq bor. O'sha davrlar bilan ulraning hozirgi ijtimoiy-siyosiy va iqtisodiy holatini taqqoslasangiz qanchalik bu mamalakatlар oldinga harakatlanganligining shubhasiz guvohi bo'lishimiz mumkin.

Rivojlanayotgan Markaziy Osiyo davlatlari qatorida O'zbekiston ham bugungi kunda bozor iqtisodiyoti sharoitlariga, uning qonun-qoidalariga asoslangan mustahkam va rivojlangan iqtisodiyotni barpo etib bormoqda. Bu yo'lida muhtaram Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev Miromonovich boshchiligi va rahnomoliklarida dadil qadamlar bilan bormoqda. Shu nuqtai-nazzardan rahbarimiz ko'rsatgan bu yo'lida yanada muvaffaqiyatlarga erishishimizning asosiy sabablaridan biri bu mamlakatimizda inson kapitalini rivojlantirish mexanizmalarini ishlab chiqish ekanligi hech kimga sir bo'lmay qoldi.

Bugungi kunda mehnat resurslari deb atalmish tushuncha ko'pchilikka ma'lum. O'zbekiston Respublikasi o'zidagi mehnat resurslari, ya'ni mehnatga layoqatli aholisi soni bo'yicha Markaziy Osiyo davlatlari orasida yetakchi o'rinni egallagan. Bizning buyuk maqsadlarimizdan yana biribiz nafaqat bizdagi mehnat resurslari soni bilan, balki mamlakatimizdagи inson kapitali bilan ham maqtangulik darajasiga erishishdan iborat.

Davlatimiz rahbari Shavkat Miromonovich Mirziyoyev joriy yining 28-may kuni ilm-fan va oliv ta'lim sohasini rivojlantirish bo'yicha belgilangan vazifalar ijrosiga bag'ishlangan yig'ilish o'tkazdilar. Yig'ilishda O'zbekiston Milliy universiteti va Toshkent davlat texnika universiteti negizida ilmiy maktablar yaratish lozimligini aytdilar. Nanotexnologiyalar, materialshunoslik, yarimo'tkazgichlar fizikasi, biofizika va bioximiya, biotexnologiyalar bo'yicha olimlar avlodini shakllantirish muhimligi ta'kidlandilar.

Shuningdek, olimlar bilan uchrashuvda to'rtta yo'naliш bo'yicha doimiy komissiyalar tuzishga kelishib olindi. Bu galgi yig'ilishda mazkur komissiyalarning vazifalari, komissiya a'zolarining ish tartibi va mas'uliyati belgilandi. Jumladan, bu haqda prezidentimiz shunday degan edi, - "Bu ishlardan asosiy maqsad mamlakatimizda inson kapitalini rivojlantirish. Xom ashyo va uni qayta ishlash bilan uzoqqa borib bo'lmaydi. Qolaversa, ishlab chiqarishda qo'shimcha qiymat olish uchun ham innovatsiyalar kerak. Shu bois ilm-fan taraqqiyotimizning muhim yo'naliши, tayanchi bo'ladi". Biz Prezidentimizning shu so'zlarini mamalakatimiz rivojinining asosi sifatida qarasak ham hech adashmagan bo'lamiz.

O'zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo'mitasi ma'lumotlariga ko'ra, 2022-yilning 1-yanvar holatiga O'zbekiston Respublikasining doimiy aholisi 35 271 276 kishini tashkil etmoqda. Qayd etilishicha, shahar joylarda - 17,9 million kishi, qishloq joylarda - 17,4 million kishi istiqomat qiladi. Huddi shu davrda ya'ni 2022-yil 1-yanvar holatida mamlakatimizdagи mehnat resurslari soni 19 million 345 ming kishini tashkil etib, 2020-yilning shu davriga nisbatan



1,1 foizga yoki 202,6 ming kishiga oshgan.[1]

Barchamizga ma'lum mehnat resurslari bu ishlash, mehnat qilish uchun layoqatli insonlardir. Inson kapitalini esa insonning iqtisodiy ahamiyatga ega bo'lgan ishni bajarish qobiliyatiga yordam beradigan bilim, ko'nikma, tajriba va ijtimoiy fazilatlar yig'indisi deb qarashimiz mumkin.

Inson kapitali nazariyasi tarixiga nazar tashlaydigan bo'lsak. Inson kapitali mustaqil nazariya sifatida tan olinishida 1960 – yillarda Chikago universiteti professorlari T.Shuls va G.Bekker[2] larining izlanishlari bilan katta hissa qo'shdilar. Normal hayotda insonlarda, har bir kishida uchraydigan biror narsani bajarishga bo'lgan bilim ko'nikmasi, undagi motivatsiya va malaka zahiralari G.Bekkerning fikricha inson kapitali hisoblanar ekan. G.Bekkerning fikricha, inson kapitali insonga qo'yilgan investitsiyalar (uzoq muddatli kapital qo'yilmalar) bilan shakllantiriladi, ya'ni insonni o'qitish, ta'lim berish uchun, uni ishlab chiqarish jarayoniga tayyorlash va ko'nikmalar berish, sog'ligini tiklash va sog'lom turmush tarziga o'rgatish, unga bozor iqtisodiyotida narx va daromad xaqidagi ma'lumotlar va tushunchalar berish orqali amalga oshiriladi.

Bu tushunchalar bugungi kunda o'z isbotini topdi. Insonga qo'yilgan bunday investitsiyalar eng samarali ishlatilgan mablag'lar hisoblanadi. Zamonaviy jamiyatlar uchun eng oliv qadriyatlardan biri sifatida e'tirof etilgan - inson kapitali uchun chet tillarini erkin bilish, chet tillarni o'zlashtirish qanday ahamiyat kasb etishi tahlil qilingan. Inson kapitali - inson va jamiyat manfaatlarini ro'yobga chiqarish uchun zarur bo'lgan bilim, malaka, ko'nikmalar yig'indisi sanalar ekan, uning tarkibiy qismlariga chet tillarini erkin bilish darajasini ham kiritish mumkin.

Shunday qilib, bizning fikrimizcha, inson kapitaliga oid ishlarni, shuningdek, inson kapitalini shakllantirishda eng asosiy omil sifatida bilimlarni boshqarish, ijtimoiy-siyosiy xavfsizlikning eng birinchi omili hisoblanadi. Mamlakatni ijtimoiy-siyosiy rivojlanishi hamda ijtimoiy-siyosiy va iqtisodiy xavfsizligini ta'minlanishi uchun inson kapitalining asoslari va tarkibiy qismlarini yetarlicha o'rganish, tadqiq etish talab etiladi.

Foydalilanigan adabiyotlar ro'yxati

1. <https://gazeta.uz>. 2022-yil 18-iyun.
- 2.Abduraxmonov Q. Mehnat iqtisodiyoti: nazariya va amaliyot. Darslik. Qayta ishlangan va to'ldirilgan 3-nashri. T. O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi «FAN» nashriyot davlat korxonasi, T.: 2019. – 592 b.
- 3.Abdurahmonov Q.X., Zokirova N.Q. Mehnat iqtisodiyoti va sotsiologiyasi. O'quv qo'llanma. – T.: “Fan va texnologiya”, 2013.–536 b.
- 4.Abdurahmanova G.Q. Abduramanov X.X. Ijtimoiy sohalar va inson taraqqiyoti. – T.: Fan va texnologiya T, 2018. -312 b.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИҚОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 4-КИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шоҳруд Фармонович
Мусаҳҳих: Файзиев Фарруҳ Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.06.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000